

Ўзбекистон Республикасида истеъмол нархлари индекси (ИНИ)

2026 йил май ойи

Маълумотлар жадвалларига ҳаволалар:

[МИИТ – 2018 бўлимлари бўйича истеъмол нархлари индекси](#)

[Ўзбекистон Республикаси бўйича барча товар ва хизматлар нархлари индекси, ўтган ойга нисбатан](#)

- I. Ўзбекистон Республикаси бўйича йиғма ИНИ
- II. Ҳудудлар кесимида йиғма ИНИ
- III. Ўзбекистон Республикаси бўйича асосий гуруҳлардаги ИНИ
- IV. Йиғма ИНИ ўзгаришига МИИТ – 2018 бўлимларининг таъсир тузилмаси
- V. Геометрик Янг формуласи бўйича ИНИ (таҳлилий мақсадлар учун)
- VI. Услубий маълумотлар
- VII. Фойдали ҳаволалар


I. Ўзбекистон Республикаси бўйича йиғма ИНИ

2026 йил май ойида йиғма ИНИ ойлик кўрсаткичи **100,2 %** (2025 йил май ойида **101,5 %**), 2025 йилнинг декабрига нисбатан **102,7 %** (2025 йил май ойида **104,4 %**), йиллик нисбатда **105,5 %** (2025 йил май ойида **108,7 %**) ни ташкил этди.

Маълумот учун: йиллик инфляциянинг секинлашишида «база эффекти» муҳим роль ўйнади. Хусусан, 2025 йил май ойида айрим тартибга солинадиган товарлар ва хизматлар нархларининг ошиши натижасида шаклланган юқори нарх базаси (электр энергияси, тармоқ ва суюлтирилган газ, транспорт воситалари учун метан) 2026 йил май ойида йиллик инфляция кўрсаткичига пасайтирувчи таъсир кўрсатди.

Мева ва сабзавот маҳсулотлари нархларининг ўзгаришини ҳисобга олмаганда, ойлик ИНИ кўрсаткичи **100,6 %** (2025 йил май ойида **102,3 %**), 2026 йилнинг январь-май ойларида **102,7 %** (2025 йил январь-май ойларида **104,7 %**), йиллик нисбатда **105,8 %** (2025 йил май ойида **110,4 %**)ни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ИНИ динамикаси, ўсиш (пасайиш) суръати %да



Қуйида МИИТ – 2018 бўлимлари бўйича 2026 йилнинг май ойида асосий товарлар ва хизматлар нархларининг ўзгаришлари келтирилган:

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар бўлими

Ой давомида асосий озиқ-овқат маҳсулотларидан суюксиз мол гўшти – **3,6 %** (2025 йил май ойига нисбатан **+20,5 %**)га, суюкли мол гўшти – **2,9 %** (2025 йил май ойига нисбатан **+19,0 %**)га, қўй гўшти – **2,9 %** (2025 йил май ойига нисбатан **+22,8 %**)га, гўшт қиймаси – **2,0 %** (2025 йил май ойига нисбатан **+15,8 %**)га, шакар – **1,5 %** (2025 йил май ойига нисбатан **+1,3 %**)га, пастеризация қилинган сут – **1,1 %** (2025 йил май ойига нисбатан **+5,1 %**)га, тирик ва совутилган балиқ – **1,0 %** (2025 йил май ойига нисбатан **+6,9 %**)га, ун – ўртача **0,9 %** (2025 йил май ойига нисбатан **+4,6 %**)га ва ўсимлик ёғи нархлари ўртача **0,6 %** (2025 йил май ойига нисбатан **+7,0 %**)га ўсиши кузатилди.

Маълумот учун: 2026 йил май ойида импорт (бир кг учун 5 000 сўмдан 10 000 сўмгача бўлган оралиқда ўсиш) ва маҳаллий (бир кг учун 2 000 сўмдан 7 000 сўмгача бўлган оралиқда ўсиш) мол гўшти нархларида ўзгариш кузатилди.

Ой давомида асосан гуруч ва гуруч оқшоғи – ўртача **1,6 %** (2025 йил май ойига нисбатан **-13,7 %**)га, тухум – **0,1 %** (2025 йил май ойига нисбатан **+21,4 %**)га, парранда гўшти – **1,5-1,6 %** оралиғида (2025 йил май ойига нисбатан **+3,4 – +4,5 %**), хом сут – **0,8 %** (2025 йил май ойига нисбатан **+5,1 %**)га нархларининг пасайиши кузатилди.

Мева-сабзавот маҳсулотлари нархлари динамикаси мавсумий омиллар таъсирида шаклланди. Асосий мева-сабзавот маҳсулотларидан лимон – **19,0 %** (2025 йил май ойига нисбатан **+86,6 %**)га, олма – **2,6 %** (2025 йил май ойига нисбатан **+24,8 %**)га, лавлаги – **1,6 %** (2025 йил май ойига нисбатан **+1,1 %**)га, сабзи – **1,6 %** (2025 йил май ойига нисбатан **-20,8 %**)га нархлари ошди. Бодринг – **39,5 %** (2025 йил май ойига нисбатан **+41,6 %**)га, помидор – **34,7 %** (2025 йил май ойига нисбатан **-17,2 %**)га, бақлажон – **23,6 %** (2025 йил май ойига нисбатан **-27,3 %**)га, булғор қалампери – **19,7 %** (2025 йил май ойига нисбатан **+2,0 %**)га, саримсоқ – **12,3 %** (2025 йил май ойига нисбатан **-22,0 %**)га, банан – **4,1 %** (2025 йил май ойига нисбатан **+5,8 %**)га, карам – **3,5 %** (2025 йил май ойига нисбатан **+1,2 %**)га, пиёз – **2,9 %** (2025 йил май ойига нисбатан **-22,9 %**)га, кўкатлар – **1,4 %** (2025 йил май ойига нисбатан **+1,8 %**)га ва картошка нархлари – **1,1 %** (2025 йил май ойига нисбатан **+19,9 %**)га пасайишига тенг бўлди.

Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари бўлими

Жорий йилнинг май ойида Жиззах вилоятида асосий коммунал хизматлардан совуқ сув таъминоти ҳамда канализация хизматлари тарифларининг ошиши қайд этилди. Республика бўйича ушбу хизмат тури ўртача **0,8 %** (2025 йил май ойига нисбатан **+22,4 %**)га қимматлашди.

Ой давомида турар жой биноларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун материаллар ўртача **0,8 %** (2025 йил май ойига нисбатан **+6,8 %**)га, уй-жойларни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган мутахассислар хизматлари ўртача **0,8 %** (2025 йил май ойига нисбатан **+6,2 %**)га қимматлашди. Уй-жой ижараси тўлови **0,7 %** (2025 йил май ойига нисбатан **+2,9 %**)га ошди.

Транспорт бўлими

Ой давомида бензин учун ўртача истеъмол нархлари даражаси **0,6 %** (2025 йил май ойига нисбатан **+12,0 %**)га ошди. Бунда, 2026 йил май ойида бензиннинг АИ-92 маркаси – **0,6 %**га, АИ-95 маркаси – **0,8 %**га, АИ-98 ва АИ-100 маркалари эса – **1,6 %**га қимматлашди. Пропаннинг нархи ой давомида **1,9 %** (2025 йил май ойига нисбатан **+22,1 %**)га қимматлашди, 1 литр учун юқори нарх чегараси **7 200** сўмни ташкил этди. 2026 йил май ойида метан нархи **0,2 %** (2025 йил май ойига нисбатан **+0,9 %**)га ошди. Автотураргоҳлар хизмати **1,1 %** (2025 йил май ойига нисбатан **+10,6 %**)га, шахсий транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш хизматлари тарифлари **1,2 %** (2025 йил май ойига нисбатан **+8,1 %**)га қимматлашди. Электросамокатлар ва электровелосипедларни ижарага бериш хизматлари бир ой давомида **6,2 %**га қимматлашди.

Йўловчи ташиш транспорти хизматларидан трамвайда (Самарқанд вилояти) йўл ҳақи **15,5 %** (2025 йил май ойига нисбатан **+15,5 %**)га, таксида йўл ҳақи **1,0 %** (2025 йил май ойига нисбатан **+5,0 %**)га, шаҳарлараро автобус ва шунга ўхшаш транспортларда (Бухоро, Новий, Наманган вилоятлари ва Тошкент ш.) **1,0 %** (2025 йил май ойига нисбатан **+7,8 %**)га, шаҳар автобусида йўл ҳақи (Самарқанд вилояти) **0,5 %** (2025 йил май ойига нисбатан **+14,6 %**)га ошди.

Евро ва Швейцария франкига нисбатан сўм курсининг мустаҳкамланиши узоқ масофага қатнайдиغان поездларда йўл ҳақининг **0,3 %** га (2025 йил май ойига нисбатан **+13,0 %**) ҳамда авиақатновлар нархининг **1,3 %** га (2025 йил май ойига нисбатан **-6,6 %**) пасайишига таъсир кўрсатди.

Маиший товарлар ва хизматлар, турли товарлар ва хизматлар бўлими

2026 йил май ойида бўлимдаги товарлар ва хизматлар учун қисқа муддатли ИНИ юқори чегараси **100,9 %** (соч бўёғи)ни, қуйи чегараси **99,8 %** (атир, одеколон)ни ташкил этди. Йиллик ИНИ бўйича кўрсаткичлар чегараси **100,2 %**дан (ёш болалар тагликлари) – **124,7 %**гача (қимматбаҳо металлдан узукрар) оралиғида кузатилди.

2026 йилнинг май ойида МИИТ – 2018 бўлимлари бўйича ИНИ, %да

Бўлим номи	2026 йилнинг апрелига нисбатан	2025 йилнинг декабрига нисбатан	2025 йилнинг майига нисбатан
I. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар	99,9	103,9	106,6
II. Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари	100,6	103,2	106,0
III. Кийимлар ва пойабзаллар	100,4	101,3	102,9
IV. Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари	100,4	101,7	106,3
V. Уй-рўзғор асбоблари, маиший техника ва турар жойларга кундалик хизмат кўрсатиш	100,4	101,6	102,5
VI. Соғлиқни сақлаш	100,0	101,9	104,1
VII. Транспорт	100,4	101,5	104,6
VIII. Ахборот ва алоқа	100,1	101,3	104,9
IX. Дам олиш, спорт ва маданият	100,4	101,6	104,5
X. Таълим соҳасидаги хизматлар	100,1	100,4	101,7
XI. Ресторанлар ва меҳмонхоналар хизматлари	100,6	104,0	108,1
XII. Суғурталаш ва молиявий хизматлар	100,1	142,5	141,8
XIII. Маиший товарлар ва хизматлар, турли товарлар ва хизматлар	100,5	103,5	107,4

II. Ҳудудлар кесимида йиғма ИНИ

Ҳудудлар кесимида қисқа муддатли ва йиллик ИНИ бўйича ўртача республика кўрсаткичидан катта фарқ қайд этилмади.

2026 йилнинг май ойида ҳудудлар бўйича ИНИ, %да

Ҳудудлар	2026 йилнинг апрелига нисбатан	2025 йилнинг декабрига нисбатан	2025 йилнинг майига нисбатан
Қорақалпоғистон Республикаси	100,1	102,6	105,7
вилоятлар:			
Андижон	100,2	102,6	105,5
Бухоро	100,2	102,5	105,5
Жиззах	100,3	102,7	105,2
Қашқадарё	100,2	103,1	105,8
Навоий	100,1	102,9	105,6
Наманган	100,2	102,6	105,5
Самарқанд	100,3	102,9	105,7
Сурхондарё	100,1	102,6	105,5
Сирдарё	100,1	102,4	105,7
Тошкент	100,1	102,9	105,6
Фарғона	100,2	102,6	105,0
Хоразм	100,1	102,5	105,4
Тошкент ш.	100,2	102,9	105,7

IV. Йиғма ИНИ ўзгаришига МИИТ – 2018 бўлимларининг таъсир тузилмаси

2026 йилнинг май ойидаги қисқа муддатли йиғма кўрсаткичга “Кийимлар ва пойабзаллар”, “Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари”, “Транспорт” ва “Маиший товарлар ва хизматлар, турли товарлар ва хизматлар” юқори таъсир кўрсатиб, ИНИ кўрсаткичини **0,15 ф.д.**га кўтарди. “Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар” бўлимида нархларнинг ўзгариши ушлаб турувчи омил бўлиб, ой давомида йиғма кўрсаткичнинг **0,03 ф.д.**га пасайишини таъминлади. Қолган бўлимларнинг таъсири сезиларли даражада бўлмади (умумий ҳисобда **+0,05 ф.д.**).

МИИТ – 2018 бўлимларининг 2026 йил май ойида йиғма ИНИ ўзгаришига таъсири, ф.д.

ўтган ойга нисбатан

I. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар	-0,03
II. Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари	0,01
III. Кийимлар ва пойабзаллар	0,04
IV. Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари	0,04
V. Уй-рўзғор асбоблари, маиший техника ва турар жойларга кундалик хизмат кўрсатиш	0,02
VI. Соғлиқни сақлаш	0,00
VII. Транспорт	0,04
VIII. Ахборот ва алоқа	0,00
IX. Дам олиш, спорт ва маданият	0,01
X. Таълим соҳасидаги хизматлар	0,00
XI. Ресторанлар ва меҳмонхоналар хизматлари	0,01
XII. Суғурталаш ва молиявий хизматлар	0,00
XIII. Маиший товарлар ва хизматлар, турли товарлар ва хизматлар	0,03

Жами таъсири

+0,17 ф.д.

ўтган йилнинг декабрига нисбатан

I. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар	1,53
II. Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари	0,02
III. Кийимлар ва пойабзаллар	0,14
IV. Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари	0,19
V. Уй-рўзғор асбоблари, маиший техника ва турар жойларга кундалик хизмат кўрсатиш	0,10
VI. Соғлиқни сақлаш	0,10
VII. Транспорт	0,15
VIII. Ахборот ва алоқа	0,04
IX. Дам олиш, спорт ва маданият	0,04
X. Таълим соҳасидаги хизматлар	0,01
XI. Ресторанлар ва меҳмонхоналар хизматлари	0,08
XII. Суғурталаш ва молиявий хизматлар	0,12
XIII. Маиший товарлар ва хизматлар, турли товарлар ва хизматлар	0,18

Жами таъсири

+2,70 ф.д.

2026 йил январь–май ойида йиғма ИНИ ўсишига “Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар” бўлимидаги нархлар ўзгариши энг катта ҳисса қўшди (**+1,53 ф.д.**, ёки жами таъсирнинг **56,7 %**и). Бошқа бўлимларнинг умумий ҳиссаси **+1,17 ф.д.**ни ташкил этди.

V. Геометрик Янг формуласи бўйича ИНИ (таҳлилий мақсадлар учун)

2026 йил январь ойидан бошлаб Миллий статистика қўмитаси геометрик Янг формуласи асосида қўшимча ИНИни шакллантириб келмоқда. **Мазкур индекс фақат таҳлилий мақсадларда қўлланилади ва юқорида эълон қилинган асосий ИНИнинг ўрнини босмайди ёки унга муқобил ҳисобланмайди** (батафсил маълумот “Услубий маълумотлар” бўлимининг VI бандида келтирилган).

2026 йил май ойида геометрик Янг формуласи бўйича ойлик ИНИ **100,0** %ни, 2025 йил декабрга нисбатан **102,2** %ни ташкил этди.

2026 йил май ойи учун геометрик Янг формуласи бўйича ИНИ, %да (ТАҲЛИЛИЙ МАҚСАДЛАР УЧУН)

Бўлим номи	2026 йилнинг апрелига нисбатан	2025 йилнинг декабрга нисбатан
I. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар	99,5	103,0
II. Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари	100,6	103,2
III. Кийимлар ва пойабзаллар	100,4	101,3
IV. Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари	100,3	101,7
V. Уй-рўзғор асбоблари, маиший техника ва турар жойларга кундалик хизмат кўрсатиш	100,4	101,6
VI. Соғлиқни сақлаш	99,9	101,9
VII. Транспорт	100,4	101,4
VIII. Ахборот ва алоқа	100,1	101,3
IX. Дам олиш, спорт ва маданият	100,4	101,5
X. Таълим соҳасидаги хизматлар	100,1	100,4
XI. Ресторанлар ва меҳмонхоналар хизматлари	100,6	104,0
XII. Суғурталаш ва молиявий хизматлар	100,1	123,3
XIII. Маиший товарлар ва хизматлар, турли товарлар ва хизматлар	100,5	103,5

VI. Услубий маълумотлар

2026 йил январидан бошлаб Истеъмол нархлари индексининг ойлик ҳисоб-китоби 517 та товар ва хизмат турига (2025 йилда – 510 та) асосланади, шундан 419 таси товар ва 98 таси хизматлардир.

ИНИ ҳисоб-китоблари (1) салмоқ вазнларини шакллантиришга хизмат қиладиган аҳоли харажатларининг тузилмаси тўғрисидаги маълумотлар (уй хўжаликлари танланма кузатуви маълумотлари) ва (2) истеъмол нархлари ўзгаришлари тўғрисидаги маълумотлар асосида амалга оширилади.

Нархлар тўғрисидаги маълумотлар ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий, географик ҳолатини акс эттиришини ва истеъмол бозорининг товарлар ва хизматлар билан тўйинганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда танлаб олинган Нукус шаҳри, Тошкент шаҳри, вилоятлар марказлари ва танланма асосда шаҳарлар ва туманлар марказларидан тўпланади.

Товарлар ва хизматлар нархлари ва тарифлари кузатуви турғун савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси шохобчалари ва кўчма савдо (палатка, расталар в.б.) объектларида танланма асосида ўтказилади.

Ҳисоб-китобларда қуйидаги манбалардан олинган нарх ўзгариши ҳақидаги маълумотлар қўлланилади:

(1) СAPI¹ технологиясига асосланган маълумотлар (чакана савдо дўконларига ташриф буюриб нархларни рўйхатдан ўтказиш);

(2) маъмурий транзакцион маълумотлар (солиқ органлари маълумотлар базасидан онлайн-касса машиналари чек маълумотлари);

(3) eStat² тизими орқали хизмат кўрсатувчи провайдерлардан ва чакана сотувчилардан олинган маълумотлар (API³ /Excel форматида);

(4) web scraping⁴ технологиясига асосланган ва турли хил онлайн манбалар (веб-сайт маълумотлари)дан олинган нархлар;

(5) CATI⁵ технологиясига асосланган маълумотлар (телефон орқали сўровномалар).

Нархларни йиғиш ҳар ойнинг 1-санасидан 25-санасигача бўлган даврда амалга оширилади. Нархларни тўплашнинг ҳар бир усули ва манбаси учун алоҳида график белгиланган бўлиб, у халқаро стандартлар тавсиялари асосида тайёрланган ва 2026 йил январь ойидан жорий этилган янгиланган методикада мустаҳкамлаб қўйилган.

ХВЖ экспертлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасига модификацияланган арифметик Янг формуласини жорий этиш қисқа муддатли истиқболда тавсия этилган.

Таҳлилий мақсадлар ва республикадаги инфляциян жараёнларни комплекс баҳолаш учун 2026 йил январдан бошлаб **геометрик Янг формуласининг муқобил вариантдан фойдаланиб, қўшимча нарх индексини шакллантириш бошланди**. Ушбу ҳисоб-китоблар натижалари доимо "Таҳлилий мақсадлар учун" деган белги билан эълон қилиб борилади.

Модификацияланган арифметик Янг формуласи асосида шаклланган ИНИ истеъмол секторидаги инфляциянинг асосий кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Геометрик Янг формуласи бўйича ҳисобланган ИНИ эса таҳлил мақсадлари учун қўшимча кўрсаткич сифатида қўлланилади.

ХВЖ мутахассислари томонидан ўрта муддатли истиқболда Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасига геометрик Янг формуласини жорий этиш тавсия этилган.

2026 йил январь ойидан кучга кирган методологиядаги ўзгаришлар **"Ўзбекистон Республикасида нархлар индексларини шакллантириш методологиясидаги асосий ўзгаришлар тўғрисида"ги пресс-релиз**да батафсил ёритилган.

VII. Фойдали ҳаволалар

[Истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш бўйича услубий низом](#)

[Ўзбекистон Республикаси Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифлагичи \(ЎР МИИТ - 2018\)](#)

[Истеъмол нархлари индекси бўйича қўлланма: концепция ва услубият \(2020\)](#)

Чоп этиш учун масъул:
Нархлар статистикаси
бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63
Контактлар: info@stat.uz
Тел: +998 71 203-80-00 (1100, 1101)



¹ CAPI (Computer Assisted Personal Interviewing) – нархлар статистикасида бу маълумот тўплаш усули бўлиб, унда регистраторлар савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига бевосита бориб, нархларни қоғоз анкета ўрнига планшет орқали қайд этадилар.

² Ўзбекистонда статистик ҳисоботларни электрон шаклда йиғишга мўлжалланган автоматлаштирилган ахборот тизими.

³ API (Application Programming Interface) – бу турли дастурлар ўзаро мулоқот қилиши ва маълумот алмашишига имкон берувчи дастурий интерфейс, қоидалар, буйруқлар ва воситалар мажмуасидир.

⁴ Веб-ресурс саҳифаларидан маълумотларни автоматлаштирилган тарзда ажратиб/йиғиб олиш технологияси.

⁵ CATI (Computer Assisted Telephone Interviewing) – бу компьютер ёрдамида телефон орқали интервью ўтказишга асосланган маълумот тўплаш усули.